O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL
28 DEKABR
SHANBA
№ 160-161 (27.020)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Марказий Осиё Ҳамкорлиги» (МОҲ) ташкилотига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг 27 декабрь куни Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида бўлиб ўтган саммитида иштирок этди

МОҲ: КЕЛИШУВЛАР ҲАЁТДА ЎЗ АКСИНИ ТОПМОҚДА

Ислом Каримов ташаббуси билан Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти негизида тузилган ушбу ташкилотнинг расмий таъсис ҳужжати шу йил 28 февраль куни имзоланган эди. Кейин президентлар 6-7 июль кунлари Оқтов (Қозоғистон), 5-6 октябрь кунлари эса Тожикистон пойтахтида учрашди. Остона саммити тўртинчи олий даражадаги учрашув бўлди.

Ўтган давр янги ташкилот ўз олдига қўйилган мақсадлар сари жадал одимлаётганини кўрсатмоқда. Аъзо мамлакатлар минтақадаги умумий ечим топилиши керак бўлган масалаларни баҳамжиҳат муҳокама қилиб келяпти, халқаро муаммоларга ёндашувлар ҳам бир-бирига мос.

Ташкилотга раислик қилаётган мамлакат — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Душанбе саммитидан кейин ўтган даврда бажарилган ишларни сарҳисоб қилар экан, Тошкентда МОҲга аъзо давлатлар парламентлари раҳбарлари ҳамда ишбилармон доиралари вакилларининг форумлари ташкил этилгани кўп жиҳатдан фойдали бўлганини таъкидлади. Дарҳақиқат, дипломатлар, ҳукумат делегацияларининг ўзаро борди-келдилари қаторида, илм-фан, маданият каби ижтимоий соҳалар намояндаларининг ҳамкорлиги яхши ривож топган пайтда, қонун чиқарувчилар ва тадбиркорларнинг бевосита мулоқоти шу вақтгача йўлга қўйилмаган эди.

Президентларнинг саммит якунлари бўйича қабул қилган қўшма коммюникесида ҳам ишбилармонларнинг алоқалари ўзаро иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилиши, парламентлар вакилларининг мулоқоти эса, қонунчиликни мувофиқлаштириш ва шу орқали муносабатларни янги мазмун билан бойитиши таъкидланади.

Мамлакатимиз раҳбари бундай учрашувларга мунтазамлик тусини бериш таклифини илгари сурди.

Саммитда минтақавий хавфсизлик, Афғонистондаги вазиятга оид масалалар ҳам муҳокама этилди. Президент Ислом Каримов мазкур мамлакатдаги вазият ҳали хотиржамликка бериладиган даражада эмаслигини алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, халқаро коалициянинг асосий ҳарбий операциялари ниҳоясига етганига қарамай, Афғонистонда ҳали қуролли тўқнашувлар содир бўлиб турибди. Токио конференциясида ваъда қилинган ёрдам тўла олинмаётгани ва бошқа сабаблар бу мамлакатда ижтимоий барқарорликни ва марказий ҳукуматга ишончни мустаҳкамлашга тўсқинлик қилиши табиий.

МОҲнинг Душанбе саммитида Афғонистондаги тикланиш ишларида бамаслаҳат биргаликда иштирок этиш масаласи кўтарилган эди. Бу сафар ҳам Президент Ислом Каримов анжуман иштирокчилари эътиборини шу мавзуга қаратди. Айни пайтда мамлакатимиз раҳбари Афғонистон вакилларини МОҲ анжуманларига кузатувчи сифатида қатнашишга таклиф этиш мақсадга мувофиқ бўлишини таъкидлади. Афғонистон вакилларининг бевосита иштирокида тикланиш масалалари муҳокама қилинса, нафақат бу давлатнинг салоҳият ва имконияти тўлароқ ишга солинар, балки мазкур жараёнга четдан қўшилаётган ҳиссанинг самараси ҳам ортар эди.

Ислом Каримов илгари сурган яна бир масала давлат чегараларини аниқ белгилаб олиш ва ҳуқуқий жиҳатдан ўзаро расмийлаштириш билан боғлиқ бўлди.

Аҳамияти беқиёс бўлган бу ишни аввало замоннинг ўзи талаб қилмоқда. Иккинчидан, минтақа мамлакатларига холис назар билан қарамайдиган айрим доиралар қўшни ўлкалар орасига нифоқ солишга уринади. Бу борада этник омиллар, сув заҳираларининг тақсимоти, коммуникация тармоқларига оид масалалардан «айб-нуқсон» қидириш мумкин.

Мамлакатимиз раҳбари чегарани белгилаш баробарида, унга бевосита ё билвосита алоқадор бошқа масалаларни ҳам ҳал этиш мумкинлигини таъкидлади. Жумладан, божхона, солиқ, чегара зонасидаги савдо-сотиқ муаммоларини ечиш, хориждан келаётган сифатсиз моллар оқимини тўхтатишда ҳамжиҳатлик билан юритилган ишнинг самараси катта бўлиши аниқ.

Анжуман қатнашчилари Орол инқирози, ноқонуний миграция, уюшган жиноятчилик, наркотиклар контрабандаси каби муаммолар, минтақамизни ядро қуролидан ҳоли зонага айлантириш билан боғлиқ масалаларни ҳам муҳокама қилди.

Шундай қилиб, тузилганига ҳали бир йил тўлмаган «Марказий Осиё Ҳамкорлиги» ташкилоти ўзининг тўртинчи саммитини ўтказди. Аъзо мамлакатларнинг ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга иштиёқи ва интилиши кучли эканлигини яна бир бор намойиш этган саммит тарихи янги ютуқлар билан бойиётган ушбу ташкилот доирасида эришилган келишувлар ҳаётда ўз аксини топаётганидан далолат беради.

■ **Анвар БОБОЕВ,**
ЎзА махсус мухбири,
Тошкент — Остона — Тошкент

✧✧✧

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

«Марказий Осиё Ҳамкорлиги» ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари учрашуви якунлари бўйича ҚЎШМА КОММЮНИКЕ

2002 йил 27 декабрда Остона шаҳрида «Марказий Осиё ҳамкорлиги» (МОҲ) ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди.

Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентлари МОҲ олдида турган вазифалар, биринчи навбатда, 2002 йил 5 октябрда Душанбе саммитида эришилган келишувларнинг амалга оширилиши, жумладан, минтақада хавфсизлик, Марказий Осиёда кенг кўламли ҳамкорликни янада ривожлантириш каби ғоят муҳим минтақавий муаммоларни ҳал этиш ҳамда МОҲ мамлакатларининг халқаро сиёсатнинг долзарб масалалари бўйича халқаро ташкилотларда ўзаро ҳамкорлиги масалаларини батафсил муҳокама қилди.

МОҲни мустаҳкамлаш ташкилотга аъзо давлатларнинг стратегик манфаатларига мувофиқ эканлиги яна бир бор қайд этилди.

Давлатлар раҳбарлари минтақавий хавфсизлик ва иқтисодий интеграциянинг барқарор тизимини шакллантириш бўйича ҳамкорликни давом эттириш минтақада барқарорликни таъминлаш ва ўзаро англашувни мустаҳкамлашнинг энг муҳим йўналиши сифатида ташқи сиёсатдаги асосий устуворликлардан бири эканлигини таъкидлади.

Томонлар минтақада ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун янги, замонавий талабларга жавоб берадиган шакллар, услублар ва ёндашувларни топиш зарурлигини эътироф этди.

Давлатлар раҳбарлари наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш соҳасида биргаликда чора-тадбирлар кўриш муҳимлиги ҳамда бу муаммони ҳал этиш бўйича, биринчи навбатда, даромадлари халқаро террорчиликни қўллаб-қувватлашга сарф этилаётган наркотрафик йўлларини аниқлаш ва бартараф этиш соҳасида яқин ҳамкорлик механизмини ишлаб чиқиш зарурлигини қайд этди.

Давлатлар раҳбарлари чегараларо жиноятчилик ва ноқонуний миграцияга қарши кураш муаммоларининг долзарблигини, шу муносабат билан МОҲ мамлакатлари чегара, божхона ва солиқ хизматлари ҳамкорлигини кучайтириш ҳамда бу масалалар юзасидан кўп томонлама битим ишлаб чиқиш бўйича тегишли чораларни кўриш зарурлигини эътироф этди.

Давлатлар раҳбарлари МОҲнинг Душанбе мажлисида эришилган келишувлар ижросининг боришини ижобий баҳолайди.

2002 йил 18 ноябрда Тошкентда бўлиб ўтган МОҲ давлатлари парламентлари вакилларининг биринчи учрашуви Марказий Осиёда катта сиёсий воқеа бўлди. У парламентлараро ҳамкорликни кенг ривожлантириш ва минтақа давлатлари қонунчилигини яқинлаштиришга янги туртки берди.

2002 йил 27-28 ноябрда Тошкентда ўтказилган «Марказий Осиё Ҳамкорлиги — иқтисодий интеграция жараёнларини чуқурлаштириш» мавзуидаги Бизнес-форум натижалари ижобий баҳоланди. Шу муносабат билан таъкидландики, иқтисодиётларнинг реал тармоқларини МОҲ интеграция жараёнларига жалб этиш ўзаро манфаатли ҳамкорликни чуқурлаштириш учун мустаҳкам асос вазифасини ўтайди.

Давлатлар раҳбарлари Халқаро Оролни қутқариш жамғармаси доирасида фаол ҳамкорликни давом эттириш ва унинг ишини фаоллаштиришга қаратилган қўшимча чоралар қабул қилиш муҳимлигини кўрсатиб ўтди. Шу муносабат билан БМТ институтлари ва донор мамлакатларнинг Орол инқирози ва минтақадаги сув муаммоси ҳал этилишидан манфаатдорлиги таъкидлаб ўтилди.

Давлатлар раҳбарлари Марказий Осиёдаги барқарорлик ва хавфсизлик Афғонистондаги вазият билан узвий боғлиқ эканини яна бир бор қайд этди.

Давлатлар раҳбарлари Ҳ.Карзай бошчилигидаги марказий ҳукумат сиёсатини қўллаб-қувватлайди ва жаҳон ҳамжамиятини Афғонистонни тиклаш учун молиявий ёрдам ажратиш бўйича Токио конференцияси қарорларини имкон қадар тезроқ бажариш зарурлигига эътибор қаратишга чақиради.

Давлатлар раҳбарлари халқаро ташкилотлар доирасида халқаро сиёсатнинг долзарб масалалари, шу жумладан, Марказий Осиёда ядро қуролидан ҳоли зона яратиш жараёнини янада тезлатиш борасида МОҲ мамлакатларининг ҳамкорлиги муҳимлигини таъкидлади. Ташқи ишлар вазирликларига ядро қуролига эга давлатларнинг Марказий Осиёда ядро қуролидан ҳоли зона яратиш тўғрисидаги Шартнома лойиҳаси бўйича билдирган таклиф ва мулоҳазалари юзасидан Марказий Осиё давлатларининг ўзаро мувофиқ нуқтаи назарини ишлаб чиқиш борасидаги ишларни фаоллаштириш топширилди.

Учрашувда Россия Федерацияси, Туркия Республикаси ва Украина вакиллари кузатувчи сифатида қатнашди.

Томонлар меҳмондўст қозоқ заминида самимий ва дўстона қабул учун Қозоғистон Республикаси Президенти Н.А.Назарбоевга миннатдорлик билдирди.

Остона,
2002 йил 27 декабрь

Қашқадарё вилояти кенгаши сессияси

26 декабрь куни Қарши шаҳрида халқ депутатлари Қашқадарё вилояти кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Унда мазкур вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари, туман ва шаҳар ҳокимлари, вилоят ташкилотлари бошлиқлари, республика вазирликлари, давлат қўмиталари, компания, уюшма, концерн ва идораларининг раҳбарлари иштирок этди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Б.Хамидов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан вилоят ҳокими вазифасидан озод қилинди.

Президент Ислом Каримов тавсиясига биноан «Муборакнефтгаз» нефть ва газ конлари бошқармасининг бошлиғи лавозимида ишлаб келган Нуритдин Зайниев Қашқадарё вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда, шунингдек, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Сессия ишида Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т.Худойбергенов, И.Жўрабеков, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов, Бош вазир ўринбосарлари қатнашди.

■ **(ЎзА)**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Н. Зайниевни Қашқадарё вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-(12-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ:

Нуритдин Зайниев Қашқадарё вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 26 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Б. С. Хамидовни Қашқадарё вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Бахтияр Султанович Хамидов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Қашқадарё вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 26 декабрь

ОМОНАТ — ДАРОМАД МАНБАИ

Банклар фаолиятининг самарадорлиги кўп жиҳатдан аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш билан боғлиқ. Бинобарин, банкларнинг асосий молиявий ресурслари айнан жалб қилинган маблағлар ҳисобидан шаклланади. Хўш, аҳолининг маблағларини банкларга жалб қилиш қандай омилларга боғлиқ? Бу жараённи жадаллаштириш бизда қандай кечмоқда?

Мухбиримизнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Пул-кредит сиёсати маркази раҳбари Камолиддин ТОЛИПОВ билан бўлган суҳбати мана шу мавзуга бағишланди.

— **Сўнгги йилларда республикамиз банклари томонидан аҳолига таклиф этилаётган омонат турлари тобора кўпайиб бормоқда. Бунга биз оммавий ахборот воситаларида берилаётган рекламалар мисолида ҳам гувоҳ бўлишимиз мумкин. Хўш, бундай фаолликнинг боиси нимада?**

— Маълумки, депозитлар банк маблағларини шакллантиришнинг анъанавий манбасидир. Банк муассасасининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унинг ресурсларининг асосий қисми ўз маблағлари ҳисобига эмас, балки жалб этилган маблағлар ҳисобидан ташкил топади. Тижорат банклари жалб қилинган бўш пул маблағларини, ўз навбатида, иқтисодиётнинг пулга эҳтиёж сезаётган субъектларини кредитлашга йўналтиради. Шундай қилиб, банклар иқтисодиётда молиявий воситачи ролини бажаради.

Бу билан тижорат банклари муомаладаги пул маблағларининг доимо ҳаракатда бўлишини таъминлайди. Бинобарин, вақтинчалик бўш пул маблағларини банкларга жалб этиш муомалага ортиқча пул чиқариш зарурлигининг олдини олади. Сир эмаски, муомалада нақд пул ҳажмининг кўпайиб кетиши пулнинг қадрсизланишига олиб келади. Шунинг учун бўш пул маблағларини банк омонатларига жалб қилиш фақатгина банклар эмас, балки ҳар бир фуқаро манфаатларига ҳам жавоб беради.

— **Шундай экан, банклардаги омонатлар ҳажмини ошириш қандай омилларга боғлиқ. Сизнингча, аҳолининг бўш маблағларини банк омонатларига кўпроқ жалб қилиш учун қандай ишлар амалга оширилиши керак?**

— Банклардаги омонатлар ҳажми, авваламбор, аҳолининг даромади ва жамғармалари билан боғлиқ. Маълумки, жамғармалар — бу даромадлар билан истеъмол ўртасидаги фарқдир. Шуни ҳисобга оладиган бўлсак, бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки йилларида инфляция даражасининг юқори бўлиши, аҳоли ва юридик шахсларнинг даромадлари пасайиши, харажатлар эса ошиб бориши натижасида жамғармалар камайиб кетиши кузатилди. Шунинг натижасида жамғармаларнинг банклардаги улуши муттасил равишда камайиб борган. Лекин кейинги йиллар давомида ялпи ички маҳсулотнинг ошиши, нархларнинг барқарорлашуви ва реал даромадларнинг ўсиши натижаси ўлароқ аҳоли ва корхоналарнинг молиявий ҳолати анча яхшиланди.

Аммо аҳоли даромадларининг ўсиши ўз-ўзидан уларнинг тижорат банкларидаги омонатларга оқиб келишини таъминламайди, албатта. Аҳоли жамғармаларини сақлашнинг бир қанча йўллари мавжуд бўлиб, улар жумласига узоқ вақт фойдаланиладиган кўчмас мулк, қорамол, автоулов ва бошқаларни киритиш мумкин. Бундан ташқари, ҳозирги кунда ҳар бир фуқаро фонд бозорида турли хил қимматли қоғозларни сотиб олиши ҳам мумкин.

Демак, аҳоли маблағларини банкларда сақлаш уларни тасарруф этишнинг фақат бир туридир. Шу боисдан банклар бўш пул маблағларини банк омонатларига жалб этишлари учун аҳолига ҳар томонлама фойдали ва қулай омонат турларини, шу жумладан, улар бўйича юқори фоизларни таклиф этиши, банк омонатларининг бошқа жамғармалар турларидан афзаллигини кенг оммага етказиши ҳамда аҳолининг ишончини қозона билиши лозим. Шу ўринда, банклардаги аҳоли омонатларининг сақланиши ва ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш муҳим аҳамият касб этишини аълоҳида таъкидлаш жоиз.

(Давоми 2-бетда)

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИДАН

Ўзбекистон Республикаси иккинчи чақириқ Олий Мажлиси кейинги сессияларининг мамлакат парламентини ислоҳ қилиш юзасидан қабул қилган қонунлари партия ташкилотлари диққат марказида турмоқда. Чунончи, **Ўзбекистон ХДП Наманган туман кенгаши** туман халқ таълими бўлими раҳбарияти билан ҳамкорликда Олий Мажлис 10-сессияси ҳужжатларини кенг тарғиб қилишни ташкиллаштириш масаласига бағишлаб махсус «давра суҳбати» ўтказди. Унда партия фаоллари ва тажрибали ўқитувчиларнинг таклифига кўра маҳаллаларда тарғибот гуруҳларини тузиш тўғрисида келишилди.

Ўзбекистон ХДП Учқўрғон туман кенгаши тавсиясига биноан «Учқўрғон ёг-мой» ҲЖ бошланғич партия ташкилоти Олий Мажлис 10-сессияси якунларини очиқ мажлисда кўриб чиқди. Унда туман партия кенгаши биринчи котиби Т.Маткаримов ва ҲЖ бошқаруви раиси Т.Шамсиддиновлар маъруза қилдилар

Худди шундай масала Андижон шаҳридаги «Форобий» маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳудудий партия ташкилотининг очиқ мажлисида ҳам кўриб чиқилди. ХДП аъзолари, партиясиз фаоллар ва шу ҳудудда жойлашган 48-мактаб ўқитувчилари **Андижон шаҳар партия кенгаши** котиби Б.Маткаримовнинг маърузасини тингладилар. **Марғилон** тиббиёт коллежи ўқитувчиларини бирлаштирган ҳудудий партия ташкилотининг очиқ мажлиси кун тартибига ҳам шу мавзудаги масала киритилди. Унда сўзга чиққан коллеж директори Ш.Эрматов ва бошқалар Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунларни кенг тарғиб қилишда иштирок этиш вазифаларига диққатни қаратдилар.

Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши ва вилоят болалар жамғармаси ЮНИСЕФ Халқаро ташкилоти ҳамда Республика болалар жамғармаси томонидан ташкил этилган «Болалар парламенти» аъзолари билан учрашув ўтказдилар. Учрашувда, шунингдек, ХДПдан сайланган Олий Мажлис депутатлари, вилоят, туман, шаҳар болалар жамғармалари фаоллари, партия ташкилотлари вакиллари ва журналистлар қатнашдилар. Унда Олий Мажлис депутати И.Бойжонов ёш «парламентчилар»га республика парламенти 10-сессиясининг иши ва мамлакат парламентининг ислоҳоти тўғрисида сўзлаб берди. Вилоят болалар жамғармаси раиси С.Нуриллаев «Болалар парламенти»нинг мақсад ва вазифаларини тушунтириб берди. «Бизнес фонд»нинг вилоят бошқармаси бошлиғи И.Ўтаров кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда ёшларнинг ўрни масаласига тўхталди. Мулоқотда ёшлар вакиллари Ноила Оллоқулиева (Хонқа тумани), Саодат Рўзимова (Урганч тумани), Эргаш Саттаров (Янгиариқ тумани), Иномжон Болтаев (Урганч шаҳри) ва бошқалар ҳам иштирок этдилар. Учрашувда сўзга чиққан Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши биринчи котиби Б.Бобожонов мустақил мамлакатимиз раҳбариятининг ёшлар тўғрисидаги доимий ғамхўрлиги ва партия ташкилотларининг шу соҳадаги амалий ишларига йиғилганлар диққатини жалб қилди.

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши ижроия бюроси вилоят партия ташкилотларининг **«Обод маҳалла йили»** тадбирларида иштироки масаласини кўриб, тегишли тавсиялар берди. Ижроия бюро йиғилишида шунингдек, ХДП Ўртачирчиқ туман кенгашининг ҳудудий партия ташкилотларини мустаҳкамлаш борасидаги иш амалиёти ҳам муҳокама қилинди.

Зарбдор туман партия кенгаши ва республика «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмаси «Обод маҳалла йили» муносабати билан биргаликда ўтказиладиган тадбирлар режасини тасдиқладилар.

Ўзбекистон ХДП Булоқбоши туман кенгашида бошланғич партия ташкилотлари котиблари иштирокида йиғилиш ўтказилди. Унда ички партиявий интизомни мустаҳкамлаш, ЎзХДП сафларини ўстириш, оммавий-сиёсий ишларни такомиллаштириш вазифалари муҳокама қилинди. Туман партия кенгаши биринчи котиби С.Мирзаева шу ҳақда маъруза қилди.

Қорақўл туман партия кенгаши биринчи котиби Ф.Бебутов туман марказида жойлашган «Ўзбекистон» аҳолига маиший хизмат кўрсатиш жамоа корхонаси ишчи ва хизматчиларининг йиғилишида қатнашди. У мамлакатимизда рўй бераётган ўзгаришлар ва Олий Мажлис 10-сессиясининг якунлари ҳақида сўзлади ва корхонанинг мукофотларга сазовор бўлган илғор меҳнатчиларини қутлади.

Қувасой шаҳри У.Юсупов номли маҳалла фуқаролар йиғинида «Қарияларни қадрлаш йили»га бағишлаб тантанали учрашув ўтказилди. Бир пиёла чой устидаги илиқ суҳбатдан кейин ХДП сафига кирган ёшларга партия билетлари, фахрийларга — совғалар топширилди.

ОМОНАТ – ДАРОМАД

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Республикада банк мижозларининг, жумладан, аҳоли омонатларини ҳимоялашнинг қандай механизми яратилган?

— Маълумки, аҳолининг банкнинг ўз мажбуриятларини бажара олишига бўлган ишончи янги депозитларни жалб қилишга имкон берувчи калит ҳисобланади. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг 39-моддасига мувофиқ, банклар пул маблағларини омонатга қабул қилар эканлар, ўз зиммасига уларни сақлаш ҳамда мижозларнинг топшириғига мувофиқ ўз вақтида тўловларни амалга ошириш мажбуриятини оладилар.

Бу борада 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Ушбу қонунни қабул қилишдан кўзланган мақсад фуқароларнинг республикамиз банкларидаги омонатларини ҳимоялашдан иборатдир.

Сир эмаски, ўтиш даврини бошдан кечираётган айрим мамлакатларда банклар турли сабабларга кўра ёпилиб кетиб, омонатчилар ўз маблағларини қайтариб ололмай қолган ҳоллар ҳам учраб турибди. Бундай хавфни бартараф этиш мақсадида мазкур қонунга асосан республикамизда фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди ташкил этилди. Мазкур фоднинг мақсади банкнинг банк операцияларини ўтказиш ҳуқуқини берувчи лицензияси бекор қилинган тақдирда фуқароларнинг банклардаги омонатлари қайтарилишини кафолатлашдан иборатдир.

Таъкидлаш ўринлики, республикамизда мазкур қонун асосида ҳамда илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда аҳоли омонатларини кафолатлашнинг замонавий тизимига асос солинди. Фоднинг мулки банкларнинг мажбурий бадаллари ҳамда йиғилган маблағларни жойлаштиришдан олинадиган даромадлар ва бошқа тушумлар ҳисобидан шаклланиб келмоқда.

Республикамизда банк омонатларининг ўз вақтида қайтарилиши ва фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялашнинг самарали механизми яратилганлиги аҳолининг банкларга бўлган ишончини янада оширишга хизмат қилади, деган умиддамиз.

— Сиз юқорида банк омонатларига аҳоли маблағларини жалб қилишда юқори фоизлар жуда қўл келиши ҳақида гапирдингиз. Албатта, юқори фоизлар аҳолини ўзига жалб қилади, аммо уларнинг ҳам чегараси бор-ку. Шу хусусда батафсилроқ тўхталиб ўтсангиз.

— Дарҳақиқат, аҳолининг бўш пул маблағларини банк омонатларига жалб қилишда фоиз сиёсати муҳим ўрин тутади. Ҳозирги кунда тижорат банклари томонидан аҳоли учун шартлари, фоиз тўловлари турлича бўлган икки юзга яқин депозит турлари ишлаб чиқилган бўлиб, бу депозитлар аҳолининг барча талабларини ўзида акс эттирган, дейишимиз мумкин.

Муҳими шундаки, банклар айнан аҳоли омонатлари учун республикамиз молия бозоридаги энг юқори фоизларни тўламоқдалар. Ҳозирда тижорат банклари томонидан айрим аҳоли омонатлари бўйича тўланадиган фоиз ставкалари йиллик 30-50% ни ташкил қилмоқда. Бу эса жорий инфляция даражасидан анча юқоридир. Натижада фуқаролар банклардаги омонатлари учун реал даромад олиш имкониятига эга бўлмоқдалар.

Агарда, банкларнинг кредитлар бўйича оладиган фоиз даромадлари аҳоли омонатлари бўйича тўланаётган фоизлардан бирмунча пастлигини инобатга олсак, табиий савол туғилади: «Банклар бу фоизларни нима ҳисобидан тўламоқда?». Бундай юқори фоизларга авваламбор, ҳукуматимиз томонидан банкларга берилган қатор имтиёзлар ҳисобидан эришилмоқда. Хусусан, тижорат банклари томонидан жалб қилинган жисмоний шахсларнинг муддатли ва жамғарма омонатларининг кўпайган қисми уларнинг солиққа тортиладиган даромад базасини камайтиради. Бундан ташқари, тижорат банклари омонатларига жалб қилинган жисмоний шахсларнинг маблағлари бўйича мажбурий заҳиралар ажратилмайди.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, айнан берилган имтиёзлар ҳисобига банклар аҳолидан омонатларни йилига 50 фоиз ҳисобидан жалб қилиш ва ресурсларни йиллик 30 фоиздан жойлаштириш орқали ҳам маълум даражада фойда кўриш имкониятига эга. Буларнинг ҳаммаси республикамизда банкларга аҳоли билан ишлаш борасида энг қулай шароитлар яратилганидан далолат беради. Натижада банклар аҳоли билан янада яқинроқ ишлашга, уларга мўлжалланган хизмат турларини кенгайтириш ва сифатини оширишга интилмоқдалар.

Шуни аълоҳида таъкидлаш лозимки, ҳукумат имтиёзлари нафақат банкларга, балки аҳолига ҳам берилгандир. Буни аҳолининг банк тизимидаги омонатларидан олган даромади тўлалигича барча солиқлардан озод қилинганлиги ҳам яққол тасдиқлайди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний шахсларнинг жами даромадини декларациялаш тизимини босқичма-босқич жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 5 сентябрдаги Фармонига мувофиқ, фуқароларнинг республика тижорат банкларидаги депозит ҳисобрақамларига қўйиладиган нақд маблағлари декларация қилинмайди ҳамда уларнинг келиб чиқиш манбалари тасдиқланиши талаб этилмайди. Ушбу чора ҳам банкларда аҳоли омонатларининг янада ошишига хизмат қилади, деб ўйлайман.

— Сўнгги йилларда банклар томонидан пластик карточкаларнинг чиқарилиши орқали омонатларни жалб қилиш амалиёти оммавийлашиб бормоқда. Банк омонатларининг айнан шу тури ҳақида нималар дея оласиз?

— Пластик карточкалар дунёдаги илғор банк технологияларидан бири ҳисобланиб, уларнинг муомалага киритилиши банк мижозлари ва уларнинг омонатлари ўсишига олиб келади. Бугунги кунда республикамизда ҳам пластик карточкалардан кенг фойдаланиш имконияти мавжуд. Хусусан, ҳозирда Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Асакабанк», «Пахтабанк», «Саноатқурилишбанк», «Халқ банки», «ЎзДЭУбанк» ва «АБН Амробанк» каби йирик банклар миллий ва хорижий валютадаги пластик карточкаларни муомалага киритган. Ўз навбатида омонатларнинг ушбу тури бўйича банклар томонидан юқори фоизлар белгиланмоқда. Мисол учун, «Асакабанк» ва Миллий банк омонатчилари пластик карточкалардаги маблағи учун йилига 36 фоиз даромад олишмоқда.

Айтиш жоизки, муомалага чиқарилган пластик карточкалар сонининг ошиб бораётгани ушбу хизмат турининг мамлакатимиз аҳолиси орасида кун сайин оммавийлашаётганидан далолат беради.

Келажакда мазкур хизмат турини янада оммавийлаштириш борасида аниқ чоралар кўрилмоқда. Ҳозирда пластик карточкалар билан тўловларни амалга оширувчи Банклараро ягона процессинг марказини ташкил этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Бундан ташқари, тижорат банклари банкоматлар ва у билан боғлиқ ускуналар импорт қилишда божхона тўловларидан озод қилинган. Навбатдаги вазифамиз эса муомалага кредит карточкаларини чиқаришдир.

«Made in Uzbekistan» ёрлиғи билан «Шайхонтоҳуртекстил» қўшма корхонаси ишлаб чиқараётган маҳсулотлар экспорт йўлларида

Суратларда: корхонанинг ишлаб чиқариш жараёнларидан лавҳалар.
■ *Шавкат АКРАМОВ олган суратлар*

«Ўзбекистон — Туркия «Шайхонтоҳуртекстил» қўшма корхонаси... трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Асосий харидорлари АҚШ, Германия, Россия... Ишчи-хизматчилар сони 650 нафар. Ҳар бир кишининг ўртача ойлик иш ҳақи 50 минг сўм....»

Ушбу ёзувлар ва рақамларни мазкур корхона ҳақида «Ўзбекистон овози» газетасининг шу йил 26 март сонида унинг тақдимоти маросими муносабати билан чоп этилган мақола битикларига солиштирдим ва уларни блокнотимга қайд қила туриб, корхона раҳбари Фуатбей Эм жанобларини ҳам суҳбатга тортдим.

— Корхонамиз маҳсулотлари асосан экспортга мўлжалланган, — деди у. — Жорий йилнинг ўзидаёқ Американинг Нью-Йорк ва Лос-Анжелес штатларига икки миллион доллар ҳажмида катта ёшдаги ҳамда болалар учун тикилган сифатли, дунё андозаларига мос, рақобатбардош маҳсулотлар жўнатдик.

Маҳсулот учун хомашёнинг 35-40 фоизи ҳозиргача чет элдан келтирилар эди. Янги — 2003 йилдан бошлаб, фақат Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган хомашёлардан фойдаланишни мўлжаллаяпмиз. Масалан, жаҳон бозорида бир тонна пахта хомашёсининг нархи 1000 доллар бўлса, шунча миқдордаги пахтадан тайёрланган тайёр маҳсулотнинг нархи энди 7-12 минг долларгача бўлади. Шу маънода, мамлакатда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариладиган корхоналар сони қанча кўпайса, мамлакат иқтисодиёти ва равнақи ҳам шунча кўп манфаат кўради.

Назаримда, Фуат Эм жанобларининг сўзларига ортиқча изоҳнинг кераги йўқдек эди. Шундай бўлса-да, биз у кишидан янги йил олди истакларини ҳам сўрадик.

— Ўзбекистонда, — деди унинг чеҳраси ёришиб, — бир неча йилдан буён яшайман ва ишлайман. Бу ерда мамлакат Президенти Ислом Каримов олиб бораётган одилона сиёсат туфайли хорижий тадбиркорларнинг фаолияти учун зарур бўлган барча имконият ва шароитларнинг кафолатланганлигини бошқа ҳеч бир давлатда кўрмаганман. Ўзбек халқининг нон-тузи ҳурмати, бутун ўзбекистонликларга янги йилда бахт-саодат ва омад тилайман. Ишлари доим бароридан келсин.

■ **Ҳанифа ШАМШИЕВА**

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

МУАММО ҚАЧОН

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КАРТОШКА ВА ПИЁЗ ЭКИШ НЕГА УНУТИЛМОҚДА? ЁКИ ЕТИШТИРИШДАН КЎРА БОШҚА ВИЛОЯТЛАРДАН ТАЙЁРИНИ КЕЛТИРИШ АРЗОНГА ТУШАДИМИ? Ё БУНДАН БОШҚА МАҚСАД ҲАМ БОРМИ?

Кейинги йилларда Қорақалпоғистон Республикаси туманларида ва шаҳарларида аҳолини картошка, пиёз маҳсулотлари билан таъминлаш масаласи муаммо бўлиб қолаяпти. Уни ижобий ҳал қилишда туман ҳокимлари ва хўжалик раҳбарлари ҳар йили «картошка — иккинчи нонимиз, пиёзсиз қайнамас қозонимиз», «келаси баҳорда кўп экамиз» — деб ваъда қилишади-ю, амалда эса: «сув бўлмади», «картошкабоп ерларимиз йўқ экан» деган баҳоналардан нарига ўтишмайди. «Хўш, картошкабоп ерингиз йўқ экан, унда пиёзни нега экмаяпсизлар?» — деб сўрасангиз: «меҳнати оғир экан, ундан кўра бошқа вилоятлардан келтириш арзонга тушади» — дейишади.

Гапираман десак, гап кўп. Қисқароқ айтганда Қорақалпоғистонда сув етарли бўлган йилларда ҳам картошка, пиёз экишга эътибор берилмади. Аксинча, картошкачиликка ихтисослаштирилган хўжаликлар, бўлимлар, участкалар тугатиб юборилди. Натижа нима бўлди? Ҳозир бизнинг бозорда картошканинг ҳар килограмми 320-360, пиёзники 160-200 сўмга чиқди. Мабодо, одатдагидек бу маҳсулотлар Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларидан келмай қолса борми, нарх яна 1,5-2 ҳиссага қимматлашади...

Биз Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг уруғчилик ва экинларни навлар бўйича жойлаштириш бўлими бошлиғи Муратбой МУХАНОВни айни шу мавзуда суҳбатга тортдик:

— Муаммо чиндан ҳам долзарб. Ҳар йили буни танқид қилишади. Лекин фойдасиз... 2000 йилда 321 гектар майдонга картошка экиш режалаштирилди. Амалда эса 15 гектар майдонга экилиб, бор-йўғи 70 тонна ҳосил етиштирилди. 2001 йилда 304 гектар ўрнига яна 27 гектаргина экилиб, гектар бошига олинган ҳосил атиги 33,3 центнерни ташкил этди.

Бу йил-чи? Йил бошида республика хўжаликларида 300 гектар майдонга картошка экиш режалаштирилди-ю, амалда 31 гектар майдонга экилди, холос. Тўрткўл, Беруний, Элликқалъа, Амударё, Хўжайли, Нукус туманларининг ҳар бирида 50 гектардан ўрнига атиги 5-10 гектардан экилганлигини нима деб баҳоласа бўлади? Сабзавотчиликка ихтисослаштирилган Нукус тумани хўжаликларида бу рақам 2 гектаргагина етди. Амударё туманида бирор гектар майдонга ҳам экилмади. Пиёз етиштириш ва тайёрлашнинг аҳволи бундан ҳам ачинарли бўлди.

Яна бир муаммо — бу, уруғчилик масаласи. Картошканинг ўзи йўғу, уруғи қаёкдан топилади? 300 гектар майдонга картошка экиш учун камида 900-1000 тонна уруғ талаб қилинади. «Ўзкартошка» фирмасига қарашли уруғ тайёрловчи хўжаликларда маҳсулотнинг сақланиши ва олиб келинишига кетган харажатларни қўшиб ҳисоблаганда 1 килограмм уруғлик картошканинг баҳоси 400-500 сўмга тўғри келади. Демак, бир гектар ерга 3 тонна уруғлик картошка қадаладиган бўлса, 3 тонна уруғлик картошкага 1 миллион 200 минг сўм, 900-1000 тонна уруғлик картошка учун камида 350-500 миллион сўм маблағ керак...

Республика хўжаликларини сабзавот, полиз, картошка уруғи билан таъминлаб келаётган «Сортсемовощ» бирлашмаси кейинги йилларда уруғлик билан таъминлаш имкониятига эга бўлмай қолди. Хўжаликлар олган уруғлари учун пул тўлолмай «Сортсемовощ» бирлашмаси олдида қарзга ботди. Бирлашма эса очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айлантирилганидан сўнг талаб қилинаётган уруғликни олиб келишга маблағ тополмаяпти.

Яна бир муҳим муаммо — пахта, шоли, буғдой экинларига сарфланадиган ёнилғи-мойлаш материаллари ва минерал ўғит учун маблағ траншдан схема бўйича келади. Биз истардик, «Ўзкартошка» фирмасидан келтириладиган картошка, пиёз уруғликлари учун ҳам хўжаликларга траншдан маблағ ажратилса ёки хўжаликларга енгиллаштирилган кредит берилса...

«Қорақалпоқмевасабзавот» бирлашмаси бўлими бошлиғи Арсланбой УЗОҚОВ сўзидан: — Соҳани танқид қилиш, камчиликни айтиш ёхуд уни кўрсатиш билан иш яхши бўлиб кетмайди. Бунинг учун юқорида айтилганидек, энг аввало, уруғчилик масаласини ечиб олиш керак. Қолаверса, тармоқни пахта, шоли, буғдой экинлари даражасига кўтариш лозим. Чунки, картошка ва пиёз озиқ-овқат, ахир!

Уюшмамизда 7 хўжалик бор. 2001 йилда 5 дан 13 гектаргача пиёз экилди. Ҳар гектаридан 6 центнердан ҳосил олинди. Ёки 30 гектар майдонга экилиши керак бўлган картошка амалда бир гектарга етди. Бу йил бирор гектар майдонга картошка экилмади. Пиёз эса 13 гектар ўрнига 1 гектар майдонга экилиб, 3 тоннагина ҳосил олинди.

— Республикамиз фермер хўжаликлари сув кам бўлишига қарамай, аҳолини картошка ва пиёз билан таъминлашни яхшилаш борасидаги ишларни бироз олдинга силжитдилару, аммо кўнгилдагидек натижага эришолмади, — дея гапга қўшилди **Қорақалпоғистон Республикаси деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси раиси Жўлмурзо Байжанов.** — Масалан, 2001 йил аранг 1,1 тонна бодринг, 443 тонна помидор, 68 тонна пиёз, 53 тонна картошка етиштирилди...

— Шаҳар ва туманларда 8445 ўринли 18 та деҳқон бозори ишлаяпти — дейди **Қорақалпоғистон Республикаси «Деҳқонбозори» ҳиссадорлик уюшмаси раиси Муратбой Еримбетов.** — Шундан 4387 ўрин фақат деҳқонлар учун ажратилган. Деҳқон бозорларини картошка, пиёз ва бошқа маҳсулотлар билан тўлдиришда барча имкониятлардан фойдаланяпмиз. Деҳқон бозорлари бошқармалари бошқа вилоятлардан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари келтирган деҳқонларга барча шарт-шароитларни яратиб бермоқда. Масалан, уларнинг бозорларимизга тўсиқсиз киришига, маҳсулотларини сақлашга, иссиқ ётоқхоналар билан таъминлашга алоҳида эътибор бериляпти. Шу йилнинг ўтган 9 ойида 10,1 минг тонна картошка, 16,3 минг тонна сабзавот, 7,8 минг тонна хўл мева, 8,2 минг тонна дон ва бошқа маҳсулотлар сотилди.



Қишга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сақлаб сотиш бўйича тайёрлов корхоналарига октябрь ойи бошидаёқ берилган топшириқлар ижроси яхши кетаяпти. Бугунгача аҳолига 37 тонна картошка, 50 тонна сабзавот, 15 минг тонна полиз ва бошқа ҳар хил маҳсулотлар сотилди.

Тайёрлов корхоналари ишларини янада жонлантириш имкониятлари ҳам бор. Масалан, нақд пул олиб ишлатишни яхши йўлга қўйиш лозим. Чунки, бошқа вилоятлардан келган деҳқонлар ўз маҳсулотларини албатта нақд пулга сотишни хоҳлайди. Нақд пул билан таъминлаш яхши йўлга қўйилса, олибсотарларнинг ҳам олди олинади, бозорлардаги нарх-наво ҳам арзонлашади.

МАНБАИ

— Маълумки, банк ва мижоз ўртасидаги муносабатлар авваламбор, ўзаро ишонч асосида қурилади. Шу боисдан ҳам мижозларнинг банк омонати ва операциялари ҳақидаги маълумотларининг сир сақланиши муҳим аҳамиятга эга. Республикамизда банк сирини таъминлаш борасида кўрилган чора-тадбирлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз?

— Фикрингизга қўшиламан, банк ва унинг мижозлари ўртасидаги муносабатларда ўзаро ишонч асосий омил ҳисобланади. Жаҳон тажрибасидан маълумки, банк тизими айнан аҳоли ва корхоналарнинг банкларга ишончи юқори даражада бўлган мамлакатлардагина тараққий топган. Шунинг учун банкларга бўлган ишончни оширмасдан туриб республикамизда ҳам банк тизимининг янада ривожланишига эришиш қийин.

Бу борада мижозлар ҳисобваракларида ва операцияларининг банк томонидан сир сақланиши муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги кунда республикамизда банк сирини таъминлашнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилмоқда. Шу билан бирга, мазкур қонунчиликни ҳамда унинг амалиётга жорий этиш механизмини янада такомиллаштириш лозим. Худди шу мақсадда «Банк сири тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши банкларга бўлган ишончни янада оширишга сезиларли туртки бўлади, деб ҳисоблайман.

Бундан ташқари, банк сирининг асоссиз ошкор этилиши нафақат банкнинг ўзи, балки бутун банк тизимига салбий таъсир кўрсатишини таъкидлаб ўтиш жоиз. Шу боис ҳар бир банк ходимининг ушбу масалага жиддий муносабатда бўлиши муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги пайтда банклар ўртасида мижозлар учун рақобат кескинлашиб бормоқда. Айниқса, бундай ҳолат аҳолига хизмат кўрсатиш борасида яққол намоён бўлмоқда. Ҳар бир банкнинг ўз фаолиятига нисбатан аҳоли ва жамоатчилик ишончини ошириш бўйича аниқ чоралар кўриши, шу жумладан, банк сири талабларига қатъий риоя этиш орқалигина келгусида банкнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаш мумкин.

— Республикамиз аҳолисининг аксарият қисми қишлоқ жойларида истиқомат қилишини ҳисобга олган ҳолда уларга сифатли банк хизматлари кўрсатиш борасида қандай шароитлар яратилган?

— Шуни эътиборга олган ҳолда сўнгги йилларда республикамизда банкларнинг сонини кўпайтиришга эмас, балки улар фаолиятининг сифат жиҳатларига асосий эътибор қаратилмоқда. Илгари молия бозорининг маълум бир сегментига ихтисослашган тижорат банкларининг ўрнини бугунги кунда банк операцияларининг барча турлари билан шуғулланувчи универсал банклар эгаллади. Банклар томонидан таклиф этилаётган хизматлар турини кенгайтириш билан бирга хизмат сифатини энг яхши халқаро андозалар даражасига етказишга алоҳида урғу берилмоқда.

Бугунги кунда 35 та банк ва уларнинг 800 дан ортиқ филиаллари ҳамда 420 дан зиёд мини-банклари республикамизнинг барча ҳудудларида турли хил банк амалиётларини ўтказиш билан бирга аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш билан шуғулланмоқдалар. Бундан ташқари, «Халқ банки»нинг республикамизнинг энг олис ҳудудларигача тарқалган 3 мингдан зиёд шахобчалари мавжуд бўлиб, улар ҳам аҳоли жамғармаларини омонатларга жалб этиш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича барча амалларни бажариш имкониятига эга.

Бошқа тижорат банкларидан фарқли ўлароқ, «Халқ банки» сармояси тўлалигича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки томонидан шакллантирилган бўлиб, улар банк низом сармоясининг мос равишда 51 ва 49 фоиз улушига эгадирлар. Банк мижозларининг асосий қисми фуқаролардан таркиб топганини эътиборга оладиган бўлсак, бу улар учун ўзига хос кафолат бўлиб хизмат қилади, дейиш мумкин. Бунга қўшимча равишда, банкдаги омонатлар юқорида айтиб ўтилган Фонд маблағлари билан ҳам кафолатланган. Бу эса банк мижозлари икки томонлама кафолатга эга эканлигини англатади. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, бундай афзалликлардан фойдаланиб қолиш авваламбор, банк раҳбариятига боғлиқ.

Шундай қилиб, республикамизнинг барча ҳудудларида аҳолига сифатли банк хизматлари кўрсатиш ҳамда уларнинг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш учун қулай шароит яратилган.

Суҳбатимиз сўнггида шуни яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиманки, банклар томонидан таклиф этилаётган омонат хизматлари аҳоли жамғармаларини нафақат сақланишини таъминлабгина қолмасдан, балки уларнинг кўпайишига ҳам имкон беради. Омонатлардан олинган даромад ўзининг қонунийлиги, солиққа тортилмаслиги ҳамда кафолатланганлиги билан ҳам эътиборга лойиқ. Зеро, омонат – ҳақиқий даромад манбаидир.

ЎЗБЕКИСТОН АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ САНОАТ-ҚУРИЛИШ БАНКИ

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»

акциядорлар, мижозлар, юртдошлар ва Ўзбекистон меҳмонларини Янги 2003 йил билан самимий табриклайди! Сизларга, яқинларингизга мустаҳкам соғлиқ, ишларингизда муваффақиятлар тилайди. Оилангизга тинчлик, саодат, хотиржамлик ва фаровонлик ёр бўлсин, Янги йил Сизларга қувонч, омад олиб келсин ва орзуларингиз ушалиши насиб этсин!

«Ўзсаноатқурилишбанк» ўз акцияларининг 1200 млн. сўмлик V эмиссиясидан фойдаланишни таклиф этади. Бир акциянинг номинал қиймати 1500 сўм.

Дивидендлар ставкасининг жозибадорлиги — йиллик 40 % ва молиявий йил якунларига кўра қўшимча фоизлар, уларнинг ҳар чоракда ҳисобланиши ва тўланиши «Ўзсаноатқурилишбанк» имтиёзли акцияларини маблағингизни энг қулай жойлаштириш манбаига айлантиради. Барқарорлик, юқори фоизлар ва дивидендларнинг ўз вақтида тўланиши акцияларнинг оммавийлашишига кўмаклашмоқда.

«Ўзсаноатқурилишбанк» акциялари номи ёзилган. Уларни ҳадя қилиш ёки мерос сифатида қолдириш мумкин. Акцияларимиз соҳиби бўлишингизни таклиф этамиз!

«Ўзсаноатқурилишбанк» маблағларингизни сақлаш ва кўпайтиришда ишончли ҳамкордир.

Сизни қизиқтирган маълумотларни қуйидаги телефонлардан олишингиз мумкин: 120-45-09, 133-28-93.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«ТЕМИР ЙЎЛ ЎЙИНГОҲ ЭМАС»

Янгийўл шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси 2002 йил 2 ноябрда «Ўзбекистон овози» газетасида чоп этилган «Темир йўл ўйингоҳ эмас» мавзуидаги мақолани ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади.

2002 йил 7 ноябрь куни шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиясининг мазкур масала бўйича йиғилиши бўлди. 2002 йил 2 ноябрдаги Тошкент транспорт ички ишлар бошқармасининг вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими инспектори Қаҳрамон Саидмуродовнинг «Ўзбекистон овози» газетасида «Темир йўл ўйингоҳ эмас» мақоласида кўрсатилган шахслар аниқланди.

Жорий йилнинг 5 сентябрь куни вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиясининг йиғилишида вояга етмаган ўсмирлар хатти-ҳаракатлари кенг муҳокама қилинган бўлиб, уларнинг ота-онаси фарзанд тарбияси билан шуғулланмаганлиги кўрсатиб ўтилган, шу билан бирга улар комиссия томонидан огоҳлантирилган. Шаҳар «Маҳалла» жамғармаси раиси М.Қаршиевга келажакда маҳаллаларда бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида тушунтириш ишлари олиб борилиши юклатилган. «Рамадон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Э. Турғунов ва фаолларига Юсупов Абдумаликнинг ҳулқ-атворини доимий равишда назорат қилиб бориш топширилган.

■ Ш. ҲОШИМОВ,
Янгийўл шаҳар ҳокими ўринбосари, комиссия раиси.

БОЛАЛАРНИНГ ҲАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИ

Бельгиянинг Буствезель шаҳридаги «Бломмаерт» маданият марказида самарқандлик болаларнинг расмлар кўргазмаси очилди.

Мазкур кўчма кўргазма бир йил бурун эсперанто тилини ўрганиш бўйича халқаро ассоциациянинг Бельгиядаги бўлимига топширилган эди. Ҳозиргача у Тошкент билан биродарлашган Кортрейк шаҳрида, Бельгиянинг йирик порт шаҳарларидан бири Остендда намойиш этилди.

Тадбир ташкилотчиларидан бири — Роб Эбен жаноблари шаҳарнинг марказий кутубхонасида очилган мазкур кўргазманинг Бельгия ва Европа Иттифоқига аъзо қатор қўшни давлатлар аҳолисида катта қизиқиш уйғотганини таъкидлади.

Эсперанто тилини ўрганиш бўйича халқаро ассоциациянинг Бельгиядаги бўлими бошқарув ҳайъати аъзоси Эдди Роат кубалик ва италиялик ҳамкасблар билан дастлабки келишув мавжудлигини айтиб, келгуси йили бу мамлакатларда самарқандлик болаларнинг расмлар кўргазмасини ташкил этиш режалаштирилганини қайд этди.

■ Ж.ДЕҲҚОНОВ,
«Жаҳон»АА,
Брюссель

ГАЗЕТАДА БОСИЛМАДИ, АММО...

Вилоят ҳокимлиги томонидан Шўрчи тумани Ж.Ҳўжамиёров ширкат хўжалиги, «Ойнақул» маҳалласида истиқомат қилувчи Р.Эшимовнинг «Ўзбекистон овози» газетасига йўллаган шикоят хати атрофлича ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш жараёнида қуйидагилар аниқланди.

Фуқаро Р.Эшимовга Шўрчи туман ижтимоий таъминот бўлими томонидан 1-гуруҳ ногиронлиги учун унга 13266 сўм 65 тийин миқдорида пенсия тайинланган ва ойма-ой тўланиб келинмоқда.

Турмуш ўртоғи Худойназарова Лола ширкат хўжалигида ишлаб келмоқда. «Ойнақул» маҳалла фуқаролар йиғини томонидан 2002 йилнинг январь-июнь ойларида 18 ёшгача бўлган 5 нафар фарзандига ойига 6002 сўмдан 36012 сўм миқдорида нафақа пули берилган. 2002 йилнинг сентябрь ойидан 2003 йилнинг февраль ойигача 7936 сўмдан жами 47616 сўм миқдорида 18 ёшгача нафақа тайинланган.

Фуқаро Р.Эшимовга тумандаги № 2530 автокорхона раҳбарияти томонидан ҳомийлик ёрдами тариқасида энг кам иш ҳақининг бир баробари миқдорида ички пенсия тўлаб туришни ўз зиммаларига олишган. Бундан ташқари Р.Эшимов кам таъминланган оилаларга тўланадиган моддий ёрдам учун 2002 йилнинг март ойида мурожаат қилган, унга 2002 йилнинг апрель, май, июнь ойларида 30000 (ўттиз минг) сўм миқдорида моддий ёрдам пули берилган.

Текширув сўнггида туман ижтимоий таъминот бўлими томонидан фуқаро Р.Эшимовни ногиронлар аравачаси билан таъминлаш ва Денов туманидаги «Абу Али ибн Сино» сиҳатгоҳига даволаниш учун йўлланма бериш тўғрисидаги аризаси навбатга олинди, ногиронлар аравачаси ва сиҳатгоҳга йўлланма келиши биланоқ таъминланиши тушунтириб ўтилди.

■ Ф. ЎЗБЕКОВ,
Сурхондарё вилоят ҳокимлиги Ахборот-таҳлил гуруҳи раҳбари.

ҲАЛ БЎЛАДИ?

— Овул аҳолисини, айниқса, қиш ойларида картошка, пиёз билан таъминлашни яхшилашда бирмунча ишлар амалга оширилди, — ҳикоя қилади **«Қорақалпоқтутинув» (тутинув — матлубот кооперацияси Р.Е.) ҳиссадорлик компанияси раиси Ҳамид ФАЙЗУЛЛАЕВ**. — 2000 йилда аҳолига 2312 тонна картошка, 2391 тонна пиёз, 2001 йилда эса 2570 тонна картошка, 1855 тонна пиёз, 2002 йилнинг ўтган 11 ойида 1341 тонна картошка, 1110 тонна пиёз сотилди.

2002 йилда компаниямиз 19200 тонна мева-сабзавот, узум ва бошқа маҳсулотлар тайёрлаши керак эди. Уларни бажариш учун 2530 та якка деҳқон, 95 деҳқон-фермер хўжалиги, 45 жамоа ва ширкатлар қўшни вилоятлардан келган деҳқон, фермер ва тадбиркорлар билан маҳсулотлар алмашиш ҳамда нақд пул бериш йўли билан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш юзасидан ўзаро шартномалар имзолашди.

